

ТОНГ ЮЛДУЗИ

تازگی یولدوزی

ЎЗБЕКИСТОН
БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ
ГАЗЕТАСИ

1992 йил 20 октябрь, сешанба
Баҳоси 30 тийин.

№41
(6513)

Қомусимиз лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида САВОБ ҲАМ БОР УНДА

Яқинда барча оммавий-ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси эълон қилинди. Унинг “Муқаддима”сида жумладан шундай ёзилган:

Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва миллий мустақиллик гоаларига содиқлигини тавнавали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келajak авқулар отидаги юксак масъулиятини аниқлаш ҳолда, Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тақрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатни садоқатини тасдиқлаб, халқро ҳуқуқнинг умумий эътирофи этишан қондаларини тан олган ҳолда, республика демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий иноқликни таъминлаш мақсадида ўзининг

мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мажмур Конституциясини қабул қилади.

Яқиндагина матбуот саҳифаларида эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси лойиҳаси кейинги йилларда бажарилаётган яхши, катта ишларнинг яна бири бўлди. Унинг қабул қилиниши ҳамма қатори бизни — кўп болали, кам даромадли оилаларни ҳам қувонтиради. Унда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, бурчлари ҳақидаги қоидалар билан бир қаторда оилаларга тегишли бандлар ҳам келтирилган. Миллий шарт-шароитимиз, оилаларнинг катталиги, серфарзандлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган бурч ва эркинликлар бизни доимо ҳимояланган эканлигимиздан

далолат беради. Биз лойиҳани маҳаллада, мактаб ўқитувчилари, боғча тарбиячилари, ота-оналар билан биргаликда ўқиб чиқдик. Бизни, айниқса, “Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, улар учун хайрия фаолиятини рағбатлантиради” деб ёзилган моддаси ҳаяжонга солди. “Етимнинг бошини силасанг, кам бўлмайсан”, дейди халқимиз. Конституция лойиҳасида ҳам бу савоб ишга эътибор берилганидан хурсандмиз.

Мастура СОДИҚОВА, қаҳрамон она.
Оқдўғрон туманидаги Октябрь жамоа хўжалиги.



Мактаб партасида ўқиб юрган чоғлариданоқ “Тонг юлдузи” билан самимий дўстлашган Назокат Абдуллаева ўзи ҳам устоз бўлиб шахримиздаги 254-мактабга ишга келибди ҳамки, ҳали-ҳамон сеvimли газетаси билан хайрлашмайди.

— Болаларни жуда севганимдан, улар билан ишлашни ёқтирганимдан бўлса керак, бу болаларбоп газетада бериб бориладиган қувноқ шеър ва ҳикояларни, турли мазмундаги хабарларни мароқ билан ўқиб чиқаман. Ўқувчиларимга ўқиб берганимда, уларнинг зўр қизиқиш билан тинглашларини кўриб завқланаман, — дейди бу йил ҳам “Тонг юлдузи”га биринчилардан бўлиб обуна бўлган Назокатхон.

Унинг издошлари эса мактаб тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Алишер ака Азимовнинг атрофини қуршаб обуна бўлишга ошиқшиди. Жаҳонгир Азимов, Гулноза Абдурасулова, Шоҳиста Соатова, Раъно Рискуллаева, Наргиза Хошимова, Анвар Мухамедов, хуллас, 5-синф ўқувчиларининг ҳаммаси “Тонг юлдузи”га 1993 йил учун обуна бўлдилар.

Суратда: обуна қизғин давом этмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ туширган суратлар.



УЛАР “ТОНГ ЮЛДУЗИ”ГА ОБУНА БЎЛДИЛАР! СИЗ-ЧИ?

Диққат!

Диққат!

Агар сиз пойтахтга ва унинг атрофидаги янги топилаётган кўҳна қалъа ва тепаликларга, шаҳарнинг хушманзара жойларига уч кунлик беғул сафарга чиқishingни истасангиз, “Тонг юлдузи”нинг

“Ўзбекистон —
Ватаним
менинг”

кўрик-экспедиция-
сида иштирок
этинг.

2-БЕТГА

ҚАРАНГ

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
№ **ТОНГ ЮЛДУЗИ** № **64563**
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сонга

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манвил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РўЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64563

п.в. жойи

(нашр кўрсаткичи)

№ **ТОНГ ЮЛДУЗИ** №

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сонга
янги ман-зилга юбориш	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манвил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



ОБУНА БАҲОСИ:

Бир йилга — 96 сўм

Олти ойга — 48 сўм

Уч ойга — 24 сўм

Бир ойга — 8 сўм

Нашр кўрсаткичи — 64563

"Тонг юдузи" кўрик-экспедицияси

Республикамиз ажойиб тарихий обидаларга бой. Самарқанд, Бухоро, нўхна Хива, Тошкентдаги меъморчилик ансамбллари нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки хорижда ҳам доврўғи баландлигини ҳаммангиз яхши биласиз. "Тонг юдузи" газетаси тахририяти сизларнинг ўлкашуносликка оид қизиқишингиз нечоғлигини билиш, билимингизни бойитиш мақсадида ажойиб бир кўрик-экспедиция ташкил этишга қарор қилди. Кўрик-экспедиция дейишимизга сабаб, шартимизга кўра, аввал кўрикда иштирок этиб, ғолиб чиқсангиз, экспедициямизда қатнашасиз. Ғолиблар Тошкентнинг тарихий обидалари, унинг атрофида топилган қадимги тепалик ва қалъалар, пойтахтнинг кўркал ва манзарали жойларида 3 кунлик саёҳатда бўладилар. Шунингдек, "Тонг юдузи" фаолияти билан танишадилар. Ғолиблар 7 нафар бўлиб, уларнинг бориш-келиш йўл ҳақларини, барча сафар харажатларини "Тонг юдузи" газетаси тахририяти ўз зиммасига олади. Ғолиб бўлиш учун сиз кўрик-экспедициянинг икки босқичида иштирок этиб, улардаги барча шартларимизни тўлиқ бажаришингиз лозим. Шундай қилиб, бугун биз сизларни I-босқич топшириқлари билан таништирамиз.

ЎЗБЕКИСТОН- ВАТАНИМ + МЕНИНГ

I БОСҚИЧ ТОПШИРИҚЛАРИ

1. Турар жойингизга яқин бўлган алоқа бўлимига бориб (ёки мактабингизда), "Тонг юдузи" газетасига 1993 йил учун обуна бўлинг. Бу топшириқ нафақат кўрик-экспедицияда ғолиб чиқишингизга ердан беради, йил бўйи маънавиятингизни бойитиб борасиз. Қизиқарли мақола, ҳикоя ва шерларни ўқиб борасиз, турли конкурсларимизда иштирок этасиз.

2. Ушбу саволларга тўла ва аниқ жавоб беришингиз керак бўлади:

а) сиз яшаётган шаҳар (қишлоқ, гузар ёки маҳалла) номини изоҳлаб беринг (яъни нима учун шундай номланади?). Бу ҳақда ота-онангиздан, ўқитувчиларингиздан эшитган ривоятларни ёзиб юборинг;

б) сиз яшаётган туманда, қишлоқда охири марта қандай археологик қазилмалар топилган. Ана шундай қазилмалар (кўза, танга, зеб-зийнат) балки сизнинг уйингизда ҳам бордир? Уларни тасвирлаб беринг. Расмини чизинг;

в) маҳаллангизда қадимдан одат бўлган ва ҳозирда ҳам анъана бўлган қандай расм-русмларни биласиз;

г) дўппи. Уларнинг бир неча хили борлигини биласиз. Сизнинг қишлоғингизда қандай дўппи кийишади? Унинг нақшини расмини чизинг ва маъносини тушунтиринг;

д) тандир ва унда нималар пиширилиши ҳақида билганларингизни ёзинг;

е) турар жойингизга яқин бўлган биронта архитектура ёдгорлиги ҳақида ёзиб юборинг.

3. Берилган "Жўгрофик" крассвордни ечинг. Маълумки, "Кент" сўзи катта қишлоқ ёки шаҳар маъноларини англатиб, жой номларига кўшиб

айтилган. Куйида таърифланган ана шундай номларнинг тўлиқ атамасини топиб, шаклга эни бўйлаб ёзинг.

1. Пойтахт. 2. Қозоғистон жанубидаги вилоят маркази. 3. Бухоро шаҳри яқинида XII асрга қадар бўлган Моварауннахрнинг қадимий шаҳарларидан бири. 4. Бухоро вилоятидаги туман. 5. Наманган вилоятининг Янгиқўрган туманидаги қишлоқ. 6. Чирчиқ дарёсининг ўрта қисмида қурилган нурхона. 7. Окқўрган туманидаги янги шаҳар. 8. Тожикистондаги шаҳар. 9. Шаҳар, Бўстонлик тумани маркази. 10. Чиройли, кўркал сўз билан бошланувчи шаҳар.

Топшириқни тўғри ҳал этган бўлсангиз жавоб сўзларининг жойлашиш тартибидан айланалардаги рақамларни харфлар билан алмаштиринг. (Ҳар бир айлананинг ўнг томонидаги рақам жавоб номларининг тартибини, чап томонидагиси эса харф тартибини англатади). Бунда яна бир жўгрофик номни билиб оласиз. Мазкур жой номини таърифланг-чи!

Ҳар учала топшириқларни тўла, аниқ бажарган ва алоқа ходимлари ёки мактаб маъмуриятининг "Тонг юдузи"га обуна бўлганлигини кўрсатувчи муҳрли тасдиқномасини юборган болалар "Ўзбекистон—Ватаним менин" кўрик-экспедицияси I босқичининг ғолиблари саналиб, II босқичга йўлланма олишади.

ЭСЛАТМА: I босқич топшириқларининг жавобларини 10 ноябргача қабул қиламиз. Конверт устига "Ўзбекистон—Ватаним менин" кўрик-экспедициясига" деб ёзишни унутманг.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ XI ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИ



БЎЛДИ АЖИБ АНЖУМАН

Жонажон диёримизда олтин куз фасли. Борлигига сарғиш тусли гилам поёндоз тўшалган фусункор табиат ўз кўркини, ҳусну жамолини кўз-кўз қилиб, меҳмон кутишга чоғланаётгандек, Мезбонлар эса — қадим-қадимдан бағри кенглиги, қўли очқлиги, қалби меҳмондўстлиги билан тилларга тушган меҳри дарё ўзбегим. Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган жонажон Ватанимиз пойтахти Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Мустақил диёримизда ўз иш-ни бошлаган бу йирик анжуманнинг ҳар бир куни бирдамлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик, эзгулик, елкадошлик руҳида ўтди, десак муболага бўлмайди. Анжуман кунлари ўтмиш сирларини ўзида мужассамлаган, кўҳна, жилвакор ва жозибали обидаларга бой бўлган Самарқандга сафар қилган меҳмонлар халқимизнинг меҳмондўстлигига яна бир қарра тасаннолар айтишган бўлса, ўз навбатида сеvimли киноюдузлари, таниқли актёрлар, кинорежиссёрлар билан учрашиб, улар билан дилдан суҳбат қура олган мухлислари ҳам беҳад мамнун бўлдилар.

Қизиқарли баҳслар, тортишувлар, дўстона фикр алмашишлар, самимият, кўтаринки кайфият, ўйин-кулгу, ҳазил-мутойибалар билан ўтган анжуман яқунланди. А.Навоий

номидаги санъат саройида уч қитъа мамлакатлари XI кинофестивалининг ёпилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Киноанжуман экранларида томошабинлар хукмига ҳавола этилган 14 та лента, ахборот кўрсатувида салкам 70 та фильмлардан энг саралари танлаб олинди. Совринлар ўз эгаларини топди. Анжуманнинг бош соврини "Олтин семурғ" австралиялик киноижодкорлар томонидан яратилган "Споствут" фильми учун берилган бўлса, фильмларида миллийлик руҳи сақлаб қолинганлиги учун

таъсис қилинган "Хўжа Насриддин" совринига япониялик кинорежиссёрлар яратган "Севги косаси" фильми муносиб деб топилди. Фестиваль ташкилот комитетининг махсус совринлари билан тақдирланганлар орасида режиссёрнинг энг яхши иши учун бериладиган совринни олишга сазовор бўлган "Қолақол" фильмининг иждодкорлари ҳамюртларимиз — Ж. Исҳоқов ҳамда Р. Саъдуллаевлар ҳам борлиги барчамизни хушнуд этди. Фестивалга тавсия этилган фильмлар жуда кўп бўлди. Лекин улар орасида бирорта ҳам болалар фильмлари, мультфильмлар йўқлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Совринлар, гулдасталар, олқишлар мўл бўлди. Тантанавор мусиқа садолари остида фестивал байроғи туширилди.

— Жаннатмакон ўлкада яшар экансизлар, — дея хайрлашаётган анжуман иштирокчилари ҳам, мезбонлар ҳам мазкур тадбир уфқи янада кенгайиб, умумжаҳон тусини олажагига умид боғладилар.



Суратда: фестивал иштирокчилари қизгин суҳбатлашишмоқда. Л. Глауберзон туширган сурат.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.


Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хат-госиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.



АВВАЛБОШДА РИВОЯТ: қадим замонларда Қумалоқтош номли қўрғонда бир одам қутурган экан. Қўрғон аҳли “бу ҳаммага юқмасин” деган хавотирда уни тоғлар орасидаги устунга боғлаб ташлашибди. Қутурган одам эса бақирармиш, чақирармиш, ўзининг баданидан лахта-лахта гўшглари тишлаб, узиб олармиш. Орадан бир кун ўтибди, у эса ҳамон тинчимас, махлуқдайин бақираверибди. Шунда ҳеч нарсадан хабарсиз бир чўпон бу овозларни эшитиб, унинг олдига келибди. “Мени ечиб юбор”, дебди қутурган одам. Лекин чўпон унга яқинлашишга қўриқибди ва қўлидаги таёғи билан ишларни ечмоқчи бўлибди. Аммо қутурган одам таёғни гажиб ташлабди. Шунда чўпон қўрққанидан олди-ортига қарамай қочиб қолибди. Эртаси куни яна овоз эшитилибди, бу овоз кечагидан ҳийла ўзгачароқ экан. Яна ўша ерга борибди ва қарасаки, қутурган одам важоҳатидан тушиб, тузалганмиш. Ечибди ва ундан шундай сўзларни эшитибди:

— Раҳмат, сенга, сенинг чўпон

тила бошлади. Нормуроднинг оёғи ҳам тузалди. Фақат тўртта чандиқ қолди, холос.

Орадан икки йил ўтиб эса... ўша ит қутурган экан.

— Наҳотки, Нормуродда қутуришнинг ҳеч бир асоратини сезмадинглар?

— Сезардик, лекин буларни унинг болалигига, инжиқлигига йўярдик. У доимо бир нарсани қидираётгандай безовта, тажанг, ўзгарувчан эди. Сабабини сўрасангиз ёки бундай қилиш керакмаслиги, босиқ ва одобли бўлишлигини айтсангиз, жажли чиқарди, дарвоқе, айтган ҳар бир гапимизни диққат билан эшитарди, нималарнидир ўзича тахминлаб, чуқур мулоҳазаларди ва бирдан “уф” тортиб, тишларини бир-бирига уриб, такилатиб, кўзлари ола-кула бўлиб, галати овозлар чиқарарди. Шунда у сизни эшитмайди, итоаткорлиги йўқолиб, кўнгил бузилади, хонада у ёқдан-бу ёққа сарсари юраверади-юраверади... Бу ҳолатлар узоқ чўзилмасди — ўн-ўн беш дақиқалардан сўнг у яна ўз ҳолига қайтарди.

ҚУТИРГАН БОЛА

таёғинг мени яна асл ҳолимга қайтарди. Чунки сен таёғингни ўт-ўланларда судрагансан, мен эса шуни гажиб, шифо топдим.

Бу энди бир ривоят. Бугунги ёзимиз эса мутлақо рост, яъни ўн олти ёшли Нормуроднинг қандай қутургани ва ўз укаси Норқулга қилган (руҳлари шод бўлсин!) қотиллиги тўғрисида.

Воқеа бундан 3 ой олдин Самарқанд вилоятининг чекка бир қишлоғи — Қоронғовулда бўлиб ўтади.

Ўша куни Файзулло акани қабристонда учратдик. У киши ўғилларининг қабри олдида мунгайиб ўтирарди. Суҳбатимиз шу ерда кечди.

— Узр, бемаврид келдим.

— Ҳечқиси йўқ. Оқар сувни орқага, қулаган дарахтни асл ҳолига қайтариб бўлмайди, ука.

— Ўшанда нима бўлганди?

— ... бир куни ўғлим Нормуроднинг оёғидан ит қопиб олди. Мен ўшанда мактабда эдим. Чақирармиш, келсам узоқ-яқин қўшнилари йиғилишган экан. Қишлоқ табибига кўрсатдик. “Ҳеч қиси йўқ, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Лекин ўша итни топиш керак, — деди. Узоқ изладик, лекин топмадик.

Бу гап ўша кунёқ бутун қишлоқ бўйлаб тарқалди. Одамлар ўғил-қизларини, қўйингни, уйларида нимаики тирик жонзот бўлса — ҳаммасини текширувдан ўтказишди. Санэпидстанция ходимлари бир ой ти-нишмади.

Бора-бора ҳамма ўз юмушлари билан машғул бўлиб, бу воқеа уну-

— Унинг бунақанги одатларидан яна кимлар хабардор эди?

— Билишимча, ҳеч ким, фақат уйдагилардан ташқари... Чунки, у кўчага ҳам чиқмасди, тўғрироғи, чиқармасди. Олдида мен ёки онаси, ёки бўлмаса Норқул (бу кенжа фарзандимиз) қоларди. Мактабни-ку умуман қўйганди. Худо кўрсатмасин яна...

— Нега шаҳарлардаги табибларга олиб бормадингиз? Ахир мумкин эди-ку?

— Озроққина пул йиғсам, олиб бораман, деб юргандим. Ўша бир ойни унга тасалли бериш билан ўтказгандим. “Сен тузаласан” дердим унга... О, нега мен ўша кунёқ табибга элтмадим?! Уйни, молларни сотиб бўлса-да, элтишим керак эди, керак эмас, шарт эди! Кечикдим, кечикдим!

— Нормурод ҳеч вақт ўзидаги галати одатларини изоҳлаганми?

— Ҳа, бир куни, “Менинг ҳеч қаерим оғримайди, лекин азоб чекаман, кўзларимга ҳамма нарса қизил бўлиб кўринади, сув тутсангиз, у қон бўлиб туюлади. Миямда нуқул ёмон фикрлар пайдо бўлади, ҳамма кўзимга маҳлуқ бўлиб кўринади, ражигим келади”, деганди.

— Уша кунги фожиа қандай содир бўлди?

— Ярим тун эди, Нормурод ва Норқул қўшни хонада ухлаётганди. Чарчаган эканман, қаттиқ ухлаб қолибман. Бир маҳал ойиси туртиб уйғотди ва: “Туриб болалардан хабар олингчи-чи, галати овозлар эшити-ляпти. Мен эшикни очолмадим,



Сентябрдан бошлаб мактабимизда Байналминал-дўстлик клуби иш бошлади. Дўстликнинг қадрига етадиган, авлодлар дўстлиги мустаҳкамланишига ҳисса қўшишни истаганлар бизга хат ёзсин. Манзилимиз:

Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Луначарский номидаги 33-мактаб Байналминал-дўстлик клуби раҳбари Лола АБДУРАҲМОНОВА, инд.704250.



Миллатим қорақалпоқ бўлса-да ўзбек мактабида таълим оламан. Чунки бу халқни, унинг санъати ва адабиётини, анъана ва удумларини ўзимнинг халқимники билан тенг кўриб ҳурматлайман. Шунинг учун ҳам ўзбек дўстларим кўпайишини истаيمان.

Жамила БОЙИМБЕТОВА, Қорақалпоғистон Республикаси, Қўнғирот шаҳри, Низом Ганжавий номидаги 13-мактаб ўқувчиси.



Онам уста пазандалардан. Улардан анча-мунча пишириқлар пиширишни ўрганганман. Бу ишга жуда қизиқаман. Бошқа миллат ва элатларнинг миллий

ичкаридан танбалаб олишибди” деди. Турдим, эшикнинг олдига бориб, қулоқ тутдим. Унинг гаплари рост эди: ичкаридан галати овозлар эшитиларди. Бу овозларни ҳеч нарсага ўхшатиб бўлмасди. Эшикни тортиб, итардим, очилмади. Овозлар эса янада зўраймоқда эди. Юрагимизни ҳам қўрқув, ҳам ваҳима босди. Чидаб туролмадик, болтани олиб эшикни буздим ва ичкарига қарасам...

Файзулла ака ортиқ гапиролмади, кўз ёшларни тийиб туришга биргина ирода камлик қилди. Шу боисдан фожиянинг давомини қишлоқдошларидан қандай эшитган бўлсам, шундай ёздим:

“Қараса, Нормуроднинг ҳамма ери қип-қизил қонга бўялган, кенжаси Норқулнинг ҳам... Шунда Нормурод қўлида пичоқ билан отасига ташланади, аммо отаси унинг қилар ишидан огоҳ бўлиб чап беради ва қийинчилик билан қўлу оёқларини боғлаб ташлайди. Норқул жонсиз, бу-

ЕР ЮЗИДА БЎЛСИН ДОИМО ТИНЧЛИК!

Чиroyли сўзлар. Аммо унинг бугун амалга ошиши учун халқлар орасида буюк бир куч — дўстлик ҳарорати пасайиб бормоқда. Жаҳон харитасининг қайси бир бурчига қараманг — бугун ёнаётган, бомбалар портлаётган, ёш гўдак ва қариялар ҳалок бўлаётган нуқталарни албатта топасиз. Бу — асримизнинг даҳшати. Буни тўхтатишнинг биргина йўли — дўстлик, биродарлик. Ушбу кучли туйғуина барчага бирдай бахт келтириши мумкин. Шу сабаб ҳам дўст бўлинг, дўстингиз кўпайсин, дўстлик деганнинг қадрига етинг!

таомлари, ширинликларини ҳам пишириб кўриш ниятим бор. Бу борада менга кўмак беришни истаганлар билан мактуб ёзишмоқчиман. Манзилгоҳим:

Наргиза ТОЖИМЕТОВА, Қозоғистон Республикаси, Туркистон шаҳри, 1-микрорайон, 23-уй, 38-хона, инд.487010.



Дўстларим жуда кўп бўлишини истаيمان. Узоқ йиллар ҳақиқий дўст тутишини истаганлар Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, Оққўрғон давлат ҳўжалигидаги 5-бўлимда яшовчи Сайёра ХОЛБОЕВАГА мактуб йўллашсин. Инд. 702742.



Санъатни, қўшиқ ва рақсларни, адабиётни севаман. Фикрдош бўлмоқни истаганлар учун манзилгоҳимни ёзиб юбораяпман:

Қорақалпоғистон жумҳурияти, Беруний тумани, Маданият кўчаси, 50-уй, Дилобар МУҲАММАДЖОНОВА. Инд.743600.

тун баданлари пичоқ зарбидан илматешик... Ўн-ўн беш дақиқалар ўтгач, Нормуроднинг ҳам оғзидан лахта-лахта қон келган ва пишқириб бақирганича...”

— Файзулло ака, эшитишимга қараганда, уйни ўзингиз ёққан экансиз?

— Ҳа, ўзим, ўзим шу қўлларим билан ёқдим. Чунки бу даҳшат яна қайтарилишини ҳеч хоҳламайман. Уларни эса эртасига ер бағрига бердик...

У киши оғир “уф”! тортиди. Мен эса яна нима деб таскин беришни билмай қолдим...

Файзулла ака бошига тушган кулфатни ҳатто душманнингга ҳам кўргилик қилмасин экан. Унинг “О, нега мен ўша кунёқ табибга элтмадим?! Уйни, молларни сотиб бўлса-да, элтишим керак эди...” деб куюнишлари ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди.

Шакар СУННАТОВ.



Азиз фарзандимиз ИРОДА!
Улуғ айёминг — туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ-умр, саломатлик, ўқишларингда муваффақиятлар тилаймиз.
Гулгун юзларингда ҳаммиша қувонч балқсин!

Даданг Маҳмуджон, аканг Камолитдин, уканг Зиёвуддин.

Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Богистон қишлоқ советидаги Оқ терак кўчаси, 1-уй.

СЎФИХЎЖАЕВЛАР оиласи.

Оиламизда қувончли кун, тантана — исми жисмига монанд қизимиз ГЎЗАЛХОН умрининг ўн бешинчи баҳорини қарши олди. Бундай қувончли кунда юзу-кўзларидан нур ёғилиб турадиган, ақлли ва зукко қизимиз, оиламиз қувончи Гўзалхоннинг камолотини, жисму-жонининг саломатлигини тилаб қоламиз. Омад ва бахт ҳаммиша ҳамроҳинг бўлсин, қизим!

Қувончингга шерик бўлиб: даданг Абдуғаффор, ойинг Гулбаҳор.

С. Раҳимов тумани, Қорақамиш даҳаси, 2-1. 31—39

ҚЎҚОНБОЕВЛАР оиласи.

Азиз ва суюқли қизимиз ХЎЛКАР!

Туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Сенга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ўқишларингда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Умрининг 8 баҳорини қаршилаган кунингда шодлигингга барчамиз шерикимиз. Бегубор қалбингни қувонч, гунча лабларингни табассум тарқ этмасин.

Сени қутлаб: бувижонинг, даданг, ойижонинг, амманг, амакинг, келинойинг ва сингилларинг.

Тошкент шаҳри.



*****Табриклаймиз!*****

Унда Қумри опа тўққиз-ўн ёшли қизча эди...

САРАТОН. ПЕШИН пайти. Қилт этган шамол йўқ. Эрталаб онаси билан адаси қайси бир қариндошлариникига кетишди. Қумри буваси билан уйда қолди. Буваси келин ва ўгли кетиши билан сизирга емак берди. Маъраб жағи тинмаётган яккаю ягона қўйини тинчитиш учун териб келган бир этак барғни унинг охурига солди. Қумри эса сув ташиб, уларни сугорди. Бува ишларини саранжом қилиб олгач, одатдагидек чойхонага чиқиб кетди. Кўча эшикни ёпар экан, неварасига тайинлади:

— Қумри, эшикни орқасидан танбаллаб қўй. Мен бирпас чойхўрлик қилиб келаман.

— Кўп қолиб кетманг, буважон, — Қумри ҳар кунги гапини такрорлади.

— Хўп, хўп, онажон.

Хусан бува ўғил набираларини отажон, қиз набираларини онажон деб эрқалатади. Қумрини эса доим ўзи билан олиб юради. Айниқса, бозорга. Буванинг ҳовли-жойи анчагина бўлиб, бир-иккита мевали дарахтни ҳисобга олмаганда, асосан ишқомдан иборат эди. Хусан бува узум пишигидан бошлаб то кеч кузгача узум сотар, орада икки-уч кун майиз ҳам куришиб олар эди... Қумрининг буваси ҳар кун неварасига бир челақка, ўзи эса катта саватни тўлдириб, ҳаш-паш дегунча бозорга етиб борар, саватни ерга қўйиб улгурмасданок, харидорларни чақирарди.

— Сотаману кетаман, кеп қолинг. Хусан бува келиши билан бошқа сотувчилар бир-бирини туртиб, гудрана бошларди.

— Бува, бозорни бузманг.

— Нархини кўтаринг.

— Э-э... буни сотиб олибманми, — дерди Хусан бува, — худо берган ҳосил бўлса.

Хусан бува узум нархини йигирма-ўттиз тийин арзон қилар, тортганда ҳам яна бир бош узумни харидор халтасига солар, буни кўрганлар бирпасда уни ўраб олишарди. Бува ҳатто бир-иккита ўрисча сўзни ҳам билар, завқи келганда ушбу сўзларни тинимсиз такрорларди.

— Давайка-ка, девучка, паличка.

Бозор расталарини эгаллаб олган сотувчиларга буванинг ишлари еқмас, у кўринди дегунча "Мана, девучка, паличка келди", деб имо-ишорага ўтар, Хусан бува саватини ҳаш-паш дегунча бўшатиб, ортга қайтар экан, Қумри сўрарди:

— Буважон, нега узумни бунча арзон сотдингиз?

— Барақаси ана шунда, — дерди Хусан бува, — худо берган узум, ўтираммизми фалон сўм деб. Олган одам ҳам раҳмат десин-да. Ҳам вақтдан ютаман, ҳам кўпнинг дуосини оламан.

Қумри савол берар, бува эса бунга ўз билганича жавоб қайтарарди.

— Девучка, паличкаларам дуо қилади, буважон?

— Ким билади, дейсан. Мен ўрисча дуони билмасам. Ҳартугул, егач бир нима дер.

Қумри буваси билан кунда уч-тўрт марта бозорга қатнарди...

— Кўп қолиб кетманг, буважон.

— Хўп, онажон, — Хусан бува орқасига қарамай, эрқалатмоқчи оҳангда жавоб қайтарди.

Хусан бува чойхонадаги сўриларнинг энг чеккасига бориб кўнди. Унинг олдида чой келтириб қўйган самоварчи Эшмат бурун салом аликдан кейин, буванинг қулогига аста шивирлади.

— Хусанбой ака, — Эшмат бурун ен-верига қараб олди, — уйдан эски китоб чиққан одамларни олиб кетишаётганмиш.

Эҳтиёт бўлинг.

Хусан бува чойхоначига қўл чўзганича бу гапнинг менга нима алоқаси бор, дегандек, Эшмат бурунга тикилди.

— Хўш.

— Охиригача эшитинг, — давом этди Эшмат бурун, — сиз ҳам мен қатори одамсиз. Аммо лекин, уйингизда анча-мунча эски китоб борлигини биламан. Отангиз раҳматлик жа мулла одам эдилар. Шу кишидан қолган китоблар бордир-да?

Хусан буванинг гаши келди. Эшмат буруннинг шивирлаши унга еқмади.

— Намунча қовоқ арига ўхшаб гўнгиллайсан. Очиқроқ гапиравер. Сирли ҳеч гап йўқ.

Эшмат бурун оғзини кафти билан ўпди. Бу энди жиминг, деганга ишора эди.

— Хўш, эски китоблар борлигига бор. Уни сенга нима оғирлиги тушди. Нон, сув бермаса, тоқчада чанг босиб ётибди-да. Биласан, менда хат-савод йўқ. Девучка, паличка сотиб рўзгор тебратаман. У китобларни ўқиганлар аллақачон бу дунёдан ўтиб кетишган.

— Айтдим-ку, манам сиздан баттарман,

тини бурнимга тираб чиқиб кетди. Мен айтмасам ҳам бошқа биров сизни сотади, ака, Ҳозирги одамларга ишониб бўлармиди? Боринг энди, лалайиб ўтирманг. Менам сизга ҳеч нарса демадим. Сичқон ўрага тушди, гулдур-гуп.

Кеча эди, Симон унинг олдида чиқиб:

— Ҳой, бобой, — деди саватдан бир бош узумни олар экан, — дамичками-паличками?

— Ҳа, энди тирикчилик, — деди Хусан бува.

— Тирикчилик қиладиган одам бозорга салла ўраб чиқадими? — пўписа қилди Симон.

— Ёшим бир жойга боргач, нимани ўрай, Сиймонбой ука?

— Сиймон эмас, Симон, — тузатди у. — Кейин ўртоқ начальник денг. Тилингиз туппа-тузук девучка-паличкага айланади-ку. Биламан сизни, девучкаларга кўз олайтирасиз.

— Сиймон начайлик, ўрисда хусайни узумни девучка-паличка дейишади.

— Жим, — ўшқирди Симон, — минъбаад ўрис деманг. Ўрислар биласизми

мунча эски китоблари борлиги тўғри. Буни Эшмат бурун эмас, бутун маҳалла билади. Бува кун ора чойхонадан бир нохуш хабар эшитиб чиқадиган бўлди. Кейинги пайтда "совук гап"лар қўпайиб кетди. Чойхонадаги одамлар сийраклашиб қолди. Маҳалла масжидига бирор зот қадам босмай қўйди. Ўтган ҳафта масжидни супуриб-сидириб юрган сўққабош сўфини олиб кетишибди.

УШАНДА ЖИМ-ЖИТ кайтган Хусан буванинг боши қотди. Унинг қўлидан нима ҳам келарди? Тоштурманинг калити Симонларда бўлса. Кимсан, деб сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ.

Хусан бува уйга кирди-ю, айвон бурчагида турган қопни олди. Тоқчадаги китобларни унга жойлади. Кейин орқалаб молхонага кириб кетди. Қайтиб чиқиб, иккинчи қопга қолган китобларни тика бошлади. Уни кузатиб турган невараси:

— Буважон, китобларни нима қиласиз? — деб сўради.

Хусан бува индамади. Шошиб яна молхонага кирди. Кўп ўтмай набирасини чақирди.

— Қумри!

— Лаббай, буважон.

— Онажон, кўчага чиқиб қараб кел-чи, ҳеч ким йўқми?

Қумри чопқиллаб кўчага чиқди, кўп ўтмай орқасига қайтди.

— Буважон, ҳеч ким йўқ.

— Онажон, манови кичкина қопчани тез кўтар, — буюрди Хусан бува. Ўзи эса хашақлар орасига яширган қопни кўтариб чиқди. — Қани кетдик.

— Буважон, қаёққа борамиз?

— Жим!

Хусан бува невараси билан кўчага чиқди-ю, анҳор томон юрди. — Улар ҳаш-паш дегунча сув бўйига етиб боришди. Бува қирғоққа ўтириб олиб, қўл-бетини юваётган одамга ўхшаб, қопдаги китобларни сувга оқиза бошлади. Невараси кўтариб келган қопчани ҳам бўшатиб бўлгач секин ундан сўради:

— Онажон, кара-чи, атрофда ҳеч ким йўқми?

Қумри ўрнидан туриб, атрофга разм солди, сўнг:

— Ҳеч ким йўқ, буважон, — деди.

— Унда кетдик, — деди Хусан бува, қопларни қўлтигига қистирар экан. — Ҳайрият-е, бир балодан қутилдик-а, онажон.

Невара-чол уйга яқинлашган пайтида кўча бошида от ўйнатиб келаётган Симон кўринди. Хусан бува уни кўриши билан неварасининг қўлидан тортқилаб, хароба девор панасига ўзини олди. Кўп ўтмай қулогига чойхоначи Эшмат буруннинг: "Менинг гуноҳим нима?" деган аламли фарёди эшитилди...

ҚУМРИ ОПА унда тўққиз-ўн ёшли қизча эди. Йиллар ўтди. У ҳар гал анҳор екалаб ўтар экан, беихтиёр тўхтаб, ажиб жилва билан оқаётган шўх тўлқинларга узоқ тикилиб туради, хаёлида эса "у кунлар" кино лентаси янглиг бир-бир жонланади. У олтиш йилдан бери тўлқинлардан кўзини узолмайди.

Қизалоғимиз Моҳидахон!

10 ёшга қадам қўйган кунингда бегубор севинчларингга шерикмиз. Сенга узоқ-умр, сихат-саломатлик, ўқиш ва ишларингда улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Чехрангдан егилиб турган табассум ҳеч қачон аримасин!

Сени қутлаб: Даданг Равшан, ойинг Дилбар, укаларинг Рўшан, Муҳаммадали.

Ургут шаҳри, Навоий шох кўчаси, 101-Г уй, 32-хонадон. Қўчимовлар оиласи.

Сафар БАРНОЕВ



ҲИКОЯ

— унга қўшилди Эшмат бурун, — чойхонанинг орқасидан бола-чақа боқиб юрибман-да. Сизга ачинганимдан оғиз очдим. Бир томони узоқ қариндошимиз, ахир. Кеча сувилон келиб, қулогимни қаттиқ бураб кетди. Кечаси билан сизни ўйлаб чиқдим.

— Сувилон?! — Хусан бува лабига яқинлаштираётган пиелани ерга қўйди.

ХУСАН БУВА сувилон деган одамни Ҳяҳши биларди. Асли унинг исми Сувон сепкил бўлиб, миршабликка ишга ўтди-ю, ҳаммаёқнинг така-пукасини чиқариб юборди. Энди у Сувон сепкил эмас, ўзига Симон деб от қўйиб олди. Чойхонадагилар унга Сувилон деб, лақаб беришди.

— Гумдон қилинг эски китобларни, — маслаҳат берди Эшмат бурун. — Сувилон билиб қолса, уеги Тоштурма.

— Нафасингни иссиқ қил-а, — уни жеркиб берди Хусан бува.

— Ишонмайсиз-да, — деди Эшбурун.

— Шамол бўлмаса дарахтнинг шохи қимирламайди. Кеча денг Симон чойхонага кириб келиб менга: "Чойхоначи, етти маҳалланинг хотини бўлади", деди. "Келган кетгани кузат. Гапларига қулоқ сол. Шўронинг душманлари кўпайган. Топиб берсанг, курук қолдирмайман", деди. Кейин кета туриб алоҳида уқдирди...

— Нима деди? — Хусан буванинг юрагига ваҳм тушди.

— "Ким уйда Куръон ўқийди. Кимнинг уйда эски китоби бор, янаги келганимда айтиб бермасанг", у шундай деди-ю, муш-

кимлар? Билайсиз, салла ўраган босмачи.

— Ўртоқ начайлик, босмачи деганингиз нимаси, оддий боғбонман.

— Биламиз, — деди Симон, буванинг салласига чанг солиб. — Сизнинг ниятингиз чаток. Бозорда кўрсангиз юзингизни тескари бурасиз. Чойхонадаги "қизил бурчак" ёнида саллада ўтириб чой ичасиз. Барисидан бу ҳукумат хабардор. — Симон кўрагига муштиради. — Кўриб, кузатиб юрибман. Бундоқ узум е, ҳам демайсиз.

— Олинг, олинг.

— Эндими? Мана олинг бу пайтавангизни, — Симон чангаллаб турган саллани бувага қараб улоқтирди. Кейин тарс-турс юриб тепасига байроқ илинган қизил эшикли бинога кириб кетди.

Хусан бува бир қўлида чувалган салла, иккинчи қўлида саватни кўтариб, изига қайтди.

Хусан бува чойхонадан чиқди-ю, қадамни тезлатди. Отасидан қолган анча-



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Т. КАРИМОВ, А. КҶЧИМОВ, М. ПИРМАТОВ
(маскул қотиб), М. РАҲИМБЕРДИЕВА,
Д. ТУРАХМЕТОВА, В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚУМИТАСИ

Бизнинг манзилгоҳимиз:
ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083,
ЛЕНИНГРАД КҶЧАСИ, 32-УИ.

Газета ҳафтаининг жума кунлари чиқади.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси.

Тошкент шаҳри, 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй
Чоп этиш вақти — 18.00.

Буюртма № 1-27. Нашр кўрсаткичи 61503

